



Туркий дунё жаҳолатга қарши жипслашмоқда

Жорий йилнинг 25 ноябрь куни пойтахтимиздаги “InterContinental” меҳмонхонасида Туркий давлатлар ташкилоти мусулмон диний идоралари раҳбарлари кенгашининг IV йиғилиши бўлиб ўтди.

Қуръони карим тиловати билан бошланган халқаро тадбирда Туркий давлатлар ташкилоти Бош котиби Кубаничбек Омуралиев, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари, Кавказ мусулмонлари диний идораси раиси, Шайхулислам Оллоҳшукур Пошозода, Туркия диёнати ишлари бошқармаси раиси, доктор Али Эрбош, Қозоғистон мусулмонлари диний идораси раиси, бош муфтий Наврўзбай ҳожи Тағанули, Қирғизистон мусулмонлари диний бошқармаси Уламо-лар кенгаши раиси Абдиманап Масалиев ҳамда Туркменистон муфтийси Ялқап Ходжагулиев, шунингдек, туркий давлатлар уламолари, диний соҳа вакиллари иштирок этди.

Йиғилиш аввалида Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси,



муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари юртимизда муқаддас динимиз ривожини йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ҳақида гапириб ўтди.

Мазкур кенгаш яқин йилларда ташкил этилганига қарамай, Исломи дини равақли, мўмин-мусулмонлар фаровонлиги ва туркий халқлар бирдамлиги, шунинг билан бирга, буюк аجدодларимиз меросини чуқур тадқиқ этиш ҳамда халқаро миқёсда кенг тарғиб этиш ишларига улкан ҳисса қўшиб келмоқда.

Ташкилотга Ўзбекистон раислиги давомида ўзаро ҳамкорлигимиз янада кенгайди, томонлар

манфаатларига хизмат қиладиган йирик тадбирлар, учрашувлар ташкил этилди.

Дарвоқе, бугунги мураккаб даврда кишилар турли фитна, бузғунчи ғоя ва ахборот хуружлари каби таҳдидлардан азият чекмоқда. Шундай муаммолар қарши-сида Туркий дунё ҳар қачонгидан кўпроқ бирлашиб, муаммоларни бартараф қилишга жидду жаҳд қилиши керак.

Куннинг иккинчи ярмида “Мотуридийлик ва ҳозирги замон” мавзuida туркий давлатлар уламолари биринчи форуми бўлиб ўтди. Унда Туркий давлатлар мусулмон идоралари раҳбарлари, муфтийлари, туркий дунёнинг обрў-этиборли уламо-лари ҳамда исломшунос тадқиқотчилари иштирок этди.

Нуфузли форумнинг асосий қисмида туркий дунёнинг обрў-этиборли уламолари ҳамда исломшунос тадқиқотчилари Имом Мотуридий таълимоти ва унинг бугунги кундаги долзарблиги ҳақида илмий маърузалари билан қатнашди.

Мир Араб мадрасасининг 500 йиллиги

Ўз мухбиримиз.

Боқий Бухоронинг беш асрлик маърифат маскани

26 ноябрь куни Бухоро шаҳридаги Мир Араб олий мадрасаси мажлислар залида Мир Араб мадрасасининг 500 йиллиги муносабати билан “Боқий Бухоронинг Исломи цивилизациясидаги ўрни” мавзусида халқаро анжуман ўтказилди.

Тадбирда Халқаро мусулмон уламо-лар кенгаши ва Абу Даби Тинчлик

форумининг обрў-этиборли уламо-лари, Ўзбекистон, Миср, Озарбайжон, Россия, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон сингари мамлакатлар муфтийлари, таниқли уламо-лар, исломшунос тадқиқотчи ва диний соҳа вакиллари фаол иштирок этдилар.

Муаррих Абу Бакр Муҳаммад

Наршахий биргина Бухоро шаҳрининг ўзида ўрта асрларда 365 та мадраса бўлганини қайд этган. Мир Араб мадрасаси шонли тарихимизнинг марварид шодаларидан бири, айна пайтда муборак маржонидир.

Бу таълим масканида дунёнинг машҳур уламолари таълим олишган.

4-бетда

ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

✓ 23 ноябрь. Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган “Қирғизистон – конфессиялараро тинчлик ва тотувлик мамлакати” мавзuidaги V халқаро анжуманда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг биринчи ўринбосари Ҳомиджон домла Ишматбеков ҳамда Дин ишлари бўйича қўмида раиси ўринбосари Дилшод Мамадқулов иштирок этишди.

✓ 24 ноябрь. Кавказ мусулмонлари идораси раиси, Шайхулислам Оллоҳшукур Пошозодага Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг “Фахрий доктор”и илмий унвони топширилди.

✓ 26 ноябрь. Бухоро шаҳрида Мир Араб мадрасасининг 500 йиллиги муносабати билан «Боқий Бухоронинг ислом цивилизациясидаги ўрни» мавзuida халқаро анжуман бўлиб ўтди.

✓ 27 ноябрь. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари Қозоғистон мусулмонлари идораси раиси, бош муфтий Наврўзбай ҳожи Тағанули жаноблари билан учрашув ўтказди.

✓ 27 ноябрь. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари Миср Араб Республикаси муфтийси Шавқий Иброҳим Аллом ҳазратларини қабул қилди.

✓ 27 ноябрь. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари Халқаро мусулмон уламо-лари кенгаши раиси, шайх, профессор Алий Муҳйиддин Қорадоғий ҳазратларини қабул қилди.

✓ 28 ноябрь. Қорақалпоғистон мусулмонлари қозиеҳи қозиси ўринбосари ва “Имом Эшон Муҳаммад” жоме масжиди имом-хатиби вази-фаларида меҳнат қилаётган Баҳрама-дин домла Разов Қорақалпоғистон мусулмонлари қозиеҳи қозиси этиб тайинланди.

✓ 28 ноябрь. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари Исломи илмлари халқаро универ-ситети, ханафий фикҳи факультети му-дири, доктор Салоҳ Муҳаммад Солим Абул Ҳоҷ ҳазратларини қабул қилди.

✓ 28 ноябрь. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари Тожикистон муфтийси Саидму-каррам Абдуқодирзода жаноблари-ни қабул қилди.

Бишкекда халқаро анжуман

22 ноябрь куни Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида “Қирғизистон – конфессиялараро тинчлик ва тотувлик мамлакати” мавзuida V халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон мусулмонлари

идораси раисининг биринчи ўринбосари Ҳомиджон домла Ишматбеков ҳамда Дин ишлари бўйича қўмита раиси ўринбосари Дилшод Мамадқулов мазкур анжуманда иштирок этди.



Янги ўринбосар тайинланди

Шу йил 23 ноябрь куни Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти ректори, профессор Муҳаммадолим Муҳаммадсиддиқов вазифасидан ажралмаган ҳолда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг Ёшлар ишлари бўйича ўринбосари лавозимига тайинланди.

Ҳанафий олимнинг ташрифи

Шу йил 28 ноябрь куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари Ислом илмлари халқаро университети Ҳанафий фикҳи факультети мудир доктор Салоҳ Муҳаммад Солим Абул Ҳож ҳазратларини қабул қилди.

Файзли суҳбат чоғида Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари меҳмонга юртимизга ташрифи ва халқаро анжуманлардаги фаол иштироки учун миннатдорлик билдирди. Шунингдек, ушбу олимнинг Ислом ақидаси ва Ҳанафий фикҳини муҳофаза қилишдаги хизматларини юқори баҳолади.

Аслида қанақа?

Бир куни дарсда талабаларга қадимги исроилиётлардан бўлмиш бир воқеани мисол тариқасида келтириб дедим: “Аҳли китоблар Нух алайҳиссалом даврида бўлган тўфон бутун оламни қамраб олган дейишади. Муҳаққиқларнинг айтишларича, тўфон фақатгина Нух алайҳиссаломнинг қавмигагина бўлган, ундан бошқа ерларга ўтмаган”.

Бу гапни эшитиб баъзи талабалар эътироз билдиришди: “Бу жуда ғариб гап бўлди-ку! Ўша муҳаққиқларнинг далиллари борми?”

— Мен сизларга Қуръони каримнинг учта жойидан далил келтираман. Шундан муҳаққиқларнинг фикри тўғри экани равшанлашди, — дедим.

«Улар ўз хато (гуноҳ)лари сабабли ғарқ қилиниб, (сув балосидан сўнг) оловга киритилдилар. Бас, ўзларига Аллоҳдан ўзга

Нух алайҳиссалом тўфони

ёрдам берувчиларни топмадилар» (Нух сураси, 25-оят).

«Нух қавмини (эсланг!) Қачонки улар пайғамбарларни инкор этишгач, Биз уларни ғарқ қилдик ва уларни одамлар учун ибрат қилиб қўйдик» (Фурқон сураси, 37-оят).

«Биз Нухни ўз қавмига (пайғамбар қилиб) юбордик. Бас, у уларнинг орасида эллик йили кам минг йил турди. Бас, уларни золим (кофир) бўлган ҳолларида тўфон (балоси) тутди» (Анкабут сураси, 14-оят).

“Нух алайҳиссалом яшаган замон ва макон Ироқнинг шимолий қисмидаги Сумария давлати (Шумер) даврига тўғри келади. Тўфон Нилга ҳам, Ҳиндга ҳам етиб бормаган”, дедим.

Кимдир: “Бу гапларни илгари эшитмаган эканмиз” деса, бошқаси: “Сиз ижмога қарши гап

айтдингиз”, деди... Раддиялар кучайиб, ҳатто мазкур гапни айтганларни куфрда айблашгача боришди.

Мен мавзунини ўзгартириб, мунозарага яқун яшагача мажбур бўлдим. Лекин бу ҳолат менда жуда ёмон таассурот қолдирди.

Ўйлаб кўрилса, ушбу мавзуда турли фикрлар бўлишининг ҳечам хатарли жойи йўқ. Чунки бу мавзу ақидага ҳам, ибодатга ҳам, ҳатто ахлоққа ҳам алоқадор эмас. Бу шунчаки Қуръонда зикр қилинган тарихнинг бир лавҳасига уламолар билдирган фикр ва тафсирилар, холос.

Менинг тўфон муайян бир жой учун хос бўлган, деган фикрни қувватлашимни бошқалар иймон, куфр, ижмо кабилар билан боғлаб, дарғазаб бўлишлари, таллашиб-тортишишлар мени ҳайратга солди.

Нима учун илм мажлисига кирганда дўст-биродар, ўзаро ҳамкор, энг муҳими, бир-бирингизга муҳаббатли бўлиб эмас, аксинча, тафриқа қилиб, гуруҳларга, тоифаларга бўлиниб чиқасизлар?! Бу қандай нафратки, бир сафни ажратиб, бирликни парчалаб юборади?!

Бирлари менга: “Бу гапни биз ҳечам эшитмаганмиз”, дейди. Ким айтди сизга, сиз ҳамма илмни эшитиб бўлгансиз деб?! Аввал эшитмаган нарсангизни эшитсангиз, дарҳол уни қоралаш ярамайди. Босиқлик билан ҳар икки тарафнинг далиллари ўрганиш, мавзунини кенгроқ муҳокама қилиш керак эмасми?!

Муҳаммад Ҳаззолийнинг “Аччиқ ҳақиқат” китобидан
Ҳомиджон ИШМАТБЕКОВ
таржимаси

Яхшиликка чақириш

Жаннатга васила бўлувчи амал

Кейинги пайтларда айрим кимсаларнинг кўчага чиқинди ва ҳар хил нарсаларни ташлаб кетиши ҳақида кўп гапирилмоқда. Аслида мусулмон киши ён-атрофни ахлат билан тўлдириши эмас, балки кишига озор берадиган нарсаларни йўлдан олиб ташлаши зарур. Чунки оёқ остида ётган тош, шиша синиқлари, ёғоч, нажосат кабилардан йўловчиларга, айниқса, ёш болалар, кекса ва ногирон инсонларга зарар етиши мумкин.

Одатда, одамлар эринчоқлик қилиб, йўлдаги озор берадиган нарсаларни олиб ташлашни унчалик хуш кўрмайдилар ёки “уни олсам, уст-бошим, қўлим

кир бўлади, кўрганлар нима дейди” каби ҳар хил андишаларга борадилар.

Абу Ҳурайра розияллоху анху дан ривоят қилинади. Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: «**Иймон олтиши ёки етмиши нечта шўъба (бўлак)дан иборат. Унинг энг афзали “Лаа илаҳа иллаллоҳ” (калимаси) бўлса, энг кичиги йўлдан озор берувчи нарсани олиб ташлашдир. Ҳаё иймондан бир бўлакдир**», дедилар.

Ҳадиси шарифдан озор берувчи нарсани йўлдан олиб ташлаш иймоннинг бир бўлаги экани аён бўляпти. Мушоҳада қилинг: ким бу нарсага бепарво бўлса,

иймонининг бир бўлагини йўқотган бўлади.

Абу Ҳурайра розияллоху анху дан ривоят қилинади: «**Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: “Бир киши кўчада кетаётган эди. Йўлда ётган тиканли шохни учратди. Уни четга олиб ташлади. Аллоҳ таоло унинг бу амалидан рози бўлиб, гуноҳларини кечирди”, дедилар**».

Қаранг, бу амалнинг даражаси қанчалар баланд. Кўчада ётган арзимас тиканни олиб ташлагани учун банда гуноҳлардан покланса, энди савоб умидида ундан ҳам каттароқ ва кўпроқ озор берувчи нарсаларни бартараф

қилган кишининг даражаси қандай бўлар экан.

Саҳобалар Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва салламдан жаннатга элтувчи амаллар ҳақида кўп сўрар эди.

Абу Барза Асламий розияллоху анху дан ривоят қилинади: «Мен: “Ё Расулulloҳ! Мени жаннатга киритадиган амалга ишора қилинг”, дедим. Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: “**Одамларнинг йўлидан озор берувчи нарсаларни олиб ташла (четлаштир)**!» дедилар.

Набий соллаллоху алайҳи ва саллам одамларнинг йўлидаги озор берувчи нарсаларни олиб

Сўз – халқаро анжуманлар иштирокчиларига

Шайхулисом Оллоҳшукур Пошозода, Кавказ мусулмонлари идораси раиси:

– Туркий давлатларнинг бирлиги бу – муқаддас бирликдир. Муштарак маданият ва тарихимиз унинг таянч устунларидан ҳисобланади. Туркий давлатлар ташкилоти мусулмон диний идоралари раҳбарларининг мулоқотлари эса глобал дунёда авж олаётган исломофобия, экстремизм каби хатарларга қарши туриш ва курашишда бизга асқатади. Ўзликимизни, миллий ва диний қадриятларимизни асраб, янада ривожлантиришимиз учун бу саъй-ҳаракатлар жуда муҳим. Мазкур эзгу тадбирларни қўллаб-қувватлаётгани учун муҳтарам Президент Шавкат Мирзиёевга алоҳида миннатдорлик билдираман. Бир озарбайжонлик сифатида ва Ўзбекистонни ўзига иккинчи ватан билгучи инсон ўлароқ ўзбек диёрида муқаддас динимиз маърифатини ривожлантириш ҳамда уни қайтадан Ислом цивилизацияси ўчоғига айлантириш йўлидаги ҳаракатларни тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз. Ушбу эзгу ташаббусларнинг рўёбини кўриш бизга чексиз мамнуният бағишлайди.

Доктор Али ЭРБОШ, Туркия Диёнат ишлари бошқармаси раиси:

– Туркий давлатлар ташкилоти мусулмон диний идоралар раҳбарларининг тўртинчи маслаҳат йиғилишини ўтказдик. Тадбирда барча муфтийлар бирдамлик, ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, ақидапарастлик, радикализм ва терроризмга қарши ҳамкорликда курашиш каби муҳим масалаларни муҳокама қилдик.

Динимиз ҳар доим бирдам, ҳамжиҳат бўлишни тарғиб этади. Ояти каримада: **“Барчангиз Аллоҳнинг**

арқонини маҳкам тутинг” (Оли Имрон сураси, 103-оят), деб марҳамат қилинган.

Барчангиз Аллоҳнинг арқони бўлган Қуръони каримни, Исломни маҳкам тутинг, тафриқадан узоқ туринг, деб таълим беради динимиз.

“Албатта, мўминлар биродардирлар” (Хужурот сураси, 10-оят) амри ҳам ўзаро биродар, қардош бўлишимизни англатади.

Мақсадимиз келажак наслларга, ёшларга Исломнинг асл моҳиятини, унинг нақадар гўзал эканини англатишда жонбозлик кўрсатишдир.

Шайх Наврўзбай ҳожи Тағанули, Қозоғистон мусулмонлари идораси раиси, бош муфтий:

– Бизнинг аслимиз турк, динимиз Ислом, китобимиз Қуръондир. Исломнинг қадимий марказларидан бири бўлган Ўзбекистонда диний уламолар тўпланиб, бирдамлигимиз ва ҳамкорлигимизни амалда кўрсатдик. Аллоҳ таоло бу борадаги ишларимизга ривож берсин, барча эзгу саъй-ҳаракатларимизни баракали қилсин.

Қозоқларда шундай нақл бор: “Ўзбек – ўз оғам”. Биз қондош-қариндош халқмиз, тарихимиз бир. Қозоғистон мусулмонлари идораси билан Ўзбекистон мусулмонлари идораси ўртасидаги ҳамкорлик ҳавас қиларли даражада. Туркий давлатлар ташкилотининг навбатдаги йиғилишига Қозоғистон мезбонлик қилади. 2024 йилда юртимизда сизларни кутиб қоламиз.

Халқаро мусулмон уламо-лар кенгаши раиси, профессор, др. Шайх Али Мухйиддин Қорадоғий:

– Ўзбекистон, хусусан, Бухоро шаҳри қадимдан илм-маърифат бешиги бўлиб келган. Бу ердан етишиб чиққан буюк алломалар бутун

ислом оламида катта ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олинади.

Мусулмон киши Қуръони карим билан қасам ичади. Айрим ҳудудларда “Саҳиҳул Бухорий” асари билан қасам ичиш ҳам одат бўлган. Бу нимани англатади? Бу асарнинг жуда ишончли, мўтабар ва мўтамад эканини англатади.

Бухоро фақат диний илмларгагина эмас, балки дунёвий фанларга ҳам бешик бўлган. Шайхур раис бўлган Абу Али ибн Сино нафақат табобат илмида, айни пайтда ақидада, шеърятда, фалсафада ҳам жуда машҳур бўлган.

Миср Араб Республикаси муфтийси, шайх, профессор, др. Шавқий Иброҳим Аллом:

– Ислом – маърифат асосига қурилган дин. Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга илк ваҳийни Жаброил алайҳиссалом воситасида “Иқроъ”, яъни “Ўқинг!” деб туширди. “Ўқинг”дан мурод умумийдир – барча илмни қамраб олади.

Ана шу оятга амал қилган мовароуннахрлик уламолар, хусусан, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Замахшарий каби олимлар ёзган йирик асарлар бутун ислом олами мадрасаларида, университетларида дарслик сифатида талабаларга ўқитилади. Ислом ҳуқуқшунослигига оид “Ҳидоя” асари эса нафақат ислом олами, айни пайтда бутун дунёда жуда мўтамад манбадир.

Мир Араб мадрасасининг 500 йиллиги муносабати билан ташкил этилган “Боқий Бухоронинг ислом цивилизациясидаги ўрни” мавзудаги халқаро анжуманда қатнашиб, Бухоронинг том маънода маърифат маскани бўлгани, бугун яна бу азим шаҳар ўз ҳолига қайтгани, очиғи, мени жуда мамнун этди.

ҳаёт эканмиз, охират учун фойдали амалларни ихлос билан кўпроқ адо этишимиз зарур.

 **Абдумутталиб ҲОЖИЕВ,**
Сардоба тумани бош имом-хатиби

Абдумутталиб Ҳожиёв 1971 йилда Сирдарё вилоятида туғилган. 2001 йили Наманган вилоятидаги “Мулла Қирғиз” (ҳозирги “Ҳидоя”) ўрта махсус ислом билим юртини битирган. 2019 йилдан бери Сардоба тумани бош имом-хатиби.



Яхшиликка чақириш

ташлашни “жаннатга сабаб бўладиган амал”, деганлар. Бу ҳадисдан хабардор одам ҳеч қачон кўчада ётган зарарли нарсаларга бепарво бўлмайди. “Мен ҳам шу ишни қилиб, жаннатга қирай” деган эътиқодда чин ихлос билан йўллардаги озор берувчи нарсаларни олиб ташлайди.

Афсус, амалда бунинг тескари-сига дуч келямиз. Турли чиқиндиларни кўчага тўкиш, одамлар юрадиган йўлларга озор берадиган нарсаларни қўйиш ҳолатлари кўпаймоқда. Бу ишни қилаётганларнинг ҳаммаси мусулмонликка

номуносиб иш қилаётганини билишмайди. Чунки уларда муқаддас динимиз буюрган амаллар ҳақида етарли тушунча йўқ, бу ҳақда эшитган бўлишса-да, қалбларида ихлос етишмайди.

Демак, ҳар биримиз асл исломий қадриятларнинг моҳиятини чуқурроқ англаб етишга ҳаракат қилишимиз, ҳавойи нафсимизга банди бўлиб қолмаслигимиз,

Масала Динда саволим бор...

САВОЛ: Пешин намозида имомнинг қироати (микрорфон тақиб олгани учун) эшитилиб туради. Бу ҳолатда қироат жаҳрий бўлиб қолмайдими?

ЖАВОБ: Пешин ва аср намозларида қироат махфий бўлиши шарт. Қироатнинг махфийлик даражаси қуйидагича изоҳланади: “Махфий қироатнинг энг пас-ти ўзи эшитадиган даражада бўлишидир. Мана шу тўғри-дир” (“Мухтасарул виқоя”).

“Шундан маълум бўлади-ки, махфий қироатнинг энг пас-ти қироат қилувчининг ўзи ёки унга яқин турган бир ёки икки кишининг эши-тадиган бўлишидир” (“Рад-дул Мухтор”).

Демак, юқоридаги ибора-дан махфий қироат, қироат қилувчининг ўзидан ташқари унга яқин турган бир ёки икки кишини эшитиши билан жаҳрийга айланиб қол-маслиги тушунилади.

“Албатта, имом махфий намозда бир ёки икки киши эшитадиган даражада қиро-ат қилиши билан унинг қиро-ати жаҳрий бўлиб қолмайди. Жаҳрий қироат ҳамма эши-тадиган бўлиши, яъни аввал-ги сафдагилар эшитадиган бўлишидир. Барча намозхон-лар эмас” (“Раддул мухтор”).

Юқоридаги маълумотлар-дан шуни хулоса қиламиз: агар имом махфий намозда ўзи ёки унга яқин турган бир ёки икки киши эшитадиган да-ражада қироат қилса, ле-кин ҳозирги кундаги турли замонавий овоз кучайтир-гичлар орқали унинг қироа-ти узоқда турган намозхон-ларга ҳам эшитилса, бу бил-ан махфий қироатга путур етмайди. Яъни, имомнинг қи-роати жаҳрий қироат бўлиб қолмайди. Чунки махфий ёки жаҳрий, бу – қироат қилув-чининг феълидир. Шунинг учун бу ўринда эътибор қи-роат қилувчининг ҳолига қа-ратилади, овоз кучайтирувчи воситаларга эмас. Агар мах-фий қироат қилувчининг қироати фикҳий манбалар-да белгиланган даражада бўлса, лекин овоз кучайтир-гич сабаб махфий қироат ба-ланд эшитилса, саждаи саҳв қилинмайди.

5-бетда

Европа тан олган “Биринчи олим”

Бундан минг йиллар олдин яшаган мусулмон олими Абу Али Ҳасан ибн Ҳасан ибн Ҳайсам астрономия, математика, геометрия, фалсафа, оптика ва физика фанларига оид юздан ортиқ асарлар ёзган. У Европада Алхазен (Alhazen) номи билан машҳур бўлган. Бу “ал-Ҳасан” исмининг бузилган шаклидир.

Ибн Ҳайсам 965 йилда Ироқнинг Басра шаҳрида туғилган ва тахминан 1040 йилда вафот этган. Умрининг кўп қисми Қоҳирада ўтган. Европада “қоронғи асрлар” ҳукм сургани ўша вақтларда мусулмонлар олтин даври бошдан кечиришарди, Ибн Ҳайсам эса ўша замоннинг энг машҳур олимларидан эди.

Алломанинг машҳур асари бўлмиш “Китоб ал-манозир” (“Оптика китоби” — كتاب المناظر) лотин тилига

таржима қилинган бўлиб, ўрта асрларда бутун Европада тарқалган. Бу асар кўплаб буюк мутафаккирларга, жумладан, унинг хулосасини ёзган Рожер Беконга кучли таъсир кўрсатади.

Мазкур асарда Ибн Ҳайсам кўзнинг кўриш қобилияти борасидаги Птоломей ҳамда Евклид томонидан илгари сурилган ва ўша пайтда ҳукмрон бўлган қарашнинг ҳақлигини исботлаб беради. Уларнинг фаразига кўра, кўз ўзидан ёруғлик чиқариши ҳисобига объектларни кўради деб ишониладди. Ибн Ҳайсам эса биринчи бўлиб бу гипотезани инкор этиб, кўзнинг кўриши объектларга тушган нурнинг кўз тўрпақсидан акс этишига боғлиқ деган илмий ҳақиқатни муомалага киритди.

Ибн Ҳайсамга кўра, кўз ўзидан

ёруғлик чиқармайди, балки нарсаларга тушган ёруғликни ўзида акс эттириб, уни мияга узатади ва мия уни таҳлил қилади. Шундан келиб чиқиб айтиш жоиз, олим мия билан оптик асаб (лотинча: nervus opticus) орасидаги боғланишни биринчи бўлиб аниқлаган.

Алломанинг кўриш қобилияти борасидаги илмий изланишлари фанда жуда катта инқилоб ясаган ва фотокамера яратилишига тамал тошини қўйган. Мусулмон олимларидан биринчи бўлиб ўз тажрибаларида “камера обскура” (camera obscura) дан фойдаланган олим сифатида Ибн Ҳайсам тилга олинади. Ҳатто “камера” сўзи арабча “قَمَرَة” сўзидан олинган деган қарашлар ҳам мавжуд.

Ибн Ҳайсам “Оптика китоби” асарида ўтказган илмий

тажрибаларига асосланиб нурлар тўғри чизиқлар бўйича ҳаракатланишини исботлаган. Шунингдек, муайян ҳолатларда нурнинг синиши (рефракция) ҳодисаси содир бўлишини ҳам аниқлаган.

Аллома, шунингдек, фарз ва гипотезалар тасдиқланадиган процедуралар ёки математик далилларга асосланган тажрибалар ёрдамида исботланиши кераклиги ҳақидаги концепциянинг илк тарафдори бўлган. Демак, ғарб Уйғониш даври олимларидан беш аср олдин Ибн Ҳайсам “илмий усулни” тушунган ва “илмий билиш” нималигидан хабардор бўлган. Шу боис европаликлар уни “Биринчи олим” деб аташган.

Алишер СУЛТОНХЎҲАЕВнинг
фейсбук саҳифасидан олинди.

Мир Араб мадрасасининг 500 йиллиги



Боқий Бухоронинг беш асрлик маърифат маскани

1-бетда

Айниқса, Кавказ мусулмонлари идораси раиси, Шайхулислом Оллоҳшукур Пошозода, Россия Федерацияси мусулмонлари бошқармаси раиси, Россия муфтийлар кенгаши раҳбари Равил Гайнутдин, Россия бош муфтийси Талгат Тожуддин,

Чеченистоннинг собиқ раҳбари Аҳмад Қодиров каби уламолар айнан Мир Араб мадрасасида таҳсил олишган.

Халқаро анжуман иштирокчилари Мир Араб мадрасасига ташриф буюриб, таълим маскани фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Талабалар билан бўлиб ўтган самимий суҳбат уламоларда катта таассурот қолдирди. Айниқса, шу мадрасада таълим олган забардаст олимлар кўзда ёш билан тарихни эслашди, талабалик йилларини ёдга олдилар.

Ўз мухбиримиз.

Ибрат



Аллома Мовардий: “Инсоннинг тирикчилиги уч насага боғланган: деҳқончилик, тижорат ва ҳунармандчилик. Наздимда, деҳқончилик энг покизаси ва энг афзалидир”, деган. Ҳақиқатан, деҳқон пешона тери эвазига ноз-неъматлар етиштириб, эл дастурхонини тўкин қилади. Унинг меҳнати самарасидан бутун халқ баҳраманд бўлади.

Инсон экин экса ёки кўчат ўтказса, гўё у садақа қилгандек савобни қўлга киритади. Анас ибн Молик розияллоху анху ривоят қилган ҳадисда Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам бундай деганлар: **“Агар бир муслим банд кўчат ўтказса ёки экин экса, ундан қушми, инсонми ёки ҳайвонми еса, бунинг учун унга садақа (қилганлик савоби) бўлади”.**

Кўчат экиш – улкан савоб

Бугун юртимизда ана шундай садақаи жорияга қўл урилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан экологик ҳолатни яхшилаш ва “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга ошириляпти. Қаёққа қарамаган – кўча ва хиёбонларда, маҳаллалар, ташкилот ва корхоналар ҳудудларида кўчатлар экиляётганига гувоҳ бўласиз. Мазкур оммавий ҳаракат натижасида янги-янги боғ-роғлар барпо этилмоқда.

Имомлар ҳам ушбу хайрли юмушга бош қўшмоқдалар. Хусусан, Самарқанд вилоятида фаолият юритаётган имомлар умуммиллий лойиҳада фаол иштирок этиб, масжидлар ҳовлиси, қабристонлар, маҳаллаларда бўш турган жойларга ниҳоллар қадаб, боғлар ташкил қилишмоқда. Ургут туманидаги “Домла Курбон” жоме масжиди боғи ана шундай

сай-ҳаракатлар маҳсулидир. Мазкур боққа 100 туп арча ва 500 туп мевали дарахт кўчатлари экилди.

Иншоаллох, юртимизни яшилликка буркаш ниятида амалга оширилаётган бу ишлар ҳавомиз тозалиги ва бозорларимиз мўл-кўллигига хизмат қилажак.

Абдуғани ҲАСАНОВ,
Ургут тумани
бош имом-хатиби.



Абдуғани Ҳасанов 1990 йили Ургут туманида туғилган. Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институтини битирган. 2015–2017 йилларда Самарқанд вилоят вакиллигида мутахассис, 2017–2019 йиллари Самарқанд шаҳар “Шоҳи Зинда” жоме масжиди муаззини ва Ургут тумани “Сой” жоме масжиди имом ноиби, 2019–2023 йилларда Самарқанд шаҳар “Шоҳи Зинда” жоме масжиди имом ноиби, 2023 йилдан Ургут туманидаги “Мулла Шоди” жоме масжиди имом-хатиби, туман бош имом-хатиби бўлиб ишлаб келмоқда.

Шайх Юсуф ҚАРАЗОВИЙ

Динни енгил қилиш фазилати

Фатвода Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анхумо қаттиққўл, Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анхумо эса енгилроқ бўлган. Ибн Умар розияллоҳу анхумо ўзи учун ҳам, бошқалар учун ҳам бирдек қаттиққўл эди. У сўлагидан сақланиш учун ёш гўдакни ўзидан узоқ тутса, Ибн Аббос розияллоҳу анхумо гўдакларни қўлига олиб, бағрига босар, ўпиб-ҳидлар эди. Ибн Умар ҳажда Ҳажарул асвадни ушлаш учун тикилинчга борар, ҳатто баъзи жойлари қонаб кетар эди. Бир куни у кишидан: “Нима учун бундай қиласиз?” деб сўрашганда, “Уларга ҳавасим келди, шунинг учун улар билан бирга бўлишни хоҳладим”, деб жавоб берган. Аммо Ибн Аббос розияллоҳу анхумо: “Озор бериш ҳам, озорланиш ҳам йўқ”, дер эди.

Аллоҳ таоло инсонларни мана шундай хилма-хил табиатда яратган: бири енгиллаштирувчи бўлса, бошқаси қаттиқлаштирувчи бўлади. Гоҳида битта ота-онадан туғилган икки ака-ука ҳам шундай бўлиши мумкин. Масалан, Мусо алайҳиссалом билан Ҳорун алайҳиссалом. Мусо алайҳиссалом ҳамма нарсани қаттиққўл эдилар.

«(Кунлардан бирида Мусо) шаҳарга унинг аҳолиси ғафлатда бўлган пайтида кирган эди, унда икки кишини уришаётган ҳолатда топди. Буниси ўз гуруҳидан (Исроил авлоди қавмидан) ва униси душманидан (қибтийлардан) эди. (Бас, Мусонинг) гуруҳидан бўлган киши

ундан душманига қарши ёрдам сўради. Шунда Мусо бир мушт уриб, уни ўлдириб қўйди...» (Қасас сураси, 15-оят).

Шунингдек, Тур тоғидан қайтиб келганларида қавмининг Аллоҳни қўйиб бузоққа сиғинаётганини кўриб, ғазабдан қўлларидаги лавҳани улоқтириб юборади.

«(Ҳорун) деди: “Эй онамнинг ўғли! Сен менинг сочимдан ҳам, соқолимдан ҳам тутмагин! Мен (ортингдан борсам) “Менинг сўзимни кутмай, Исроил авлодини бўлиб юборибсан”, дейишингдан кўрқдим”» (Тоҳа сураси, 94-оят).

Одамлар табиатан бир хил эмас. Баъзилар тез, жаҳлдор, қаттиққўл бўлади. Уларнинг фикҳида ҳам ана шу табиатнинг таъсири кўриниб туради.

Мен Ибн Умар ва Ибн Аббос розияллоҳу анхумони яхши кўришим баробарида, фикҳда Ибн Аббос биланман. Менинг манҳаж ва усулим енгилликдир.

Ҳозирги асрда Ислом динига фақат енгиллик йўлидан борибгина хизмат қилиш керак деб биланман. “Енгиллик йўли” дегани, баъзи одамлар ўйлаганидек, шаръий

далилларни нотўғри талқин қилиш, ҳукм оятларини муташобеҳ оятлар ўрнига қўйиш, қатъий далилларни зонний далилларга алмаштириш эмас. Балки енгиллик йўллари ахтариш, мушкул аҳволлардан чиқиш чораларини излашдир.

Суфён ибн Саид Саврий раҳимахуллоҳ айтади: “Ҳақиқий фикҳишончли олимнинг қийин масалада рухсатга йўл топишидир. Қаттиққўллик қилиш ҳамманинг ҳам қўлидан келади”.

Шунинг учун мен динни енгиллаштирувчилар қаторида бўлишни умид қиламан. Зеро, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Сизлар динни енгиллаштириш учун юборилгансизлар, қийинлаштириш учун эмас”, деганлар (Имом Бухорий ривояти).

Шунингдек, Абу Мусо Ашъарий ва Муоз ибн Жабал розияллоҳу анхумони Яманга юбораётганларида ҳам шундай деганлар: “Динни енгил қилинглар, қийин қилманглар. Яхши кўрсатинглар, нафратлан тирманглар” (Муттафақун алайҳ).

Муҳиддин АЛИБЕКОВ
таржимаси.

Муҳиддин Алибеков 1977 йили Жиззах вилояти Зомин туманида туғилган. 1998 йили “Мулла Қирғиз” (ҳозирги “Ҳидоя”) мадрасасини тугатган. Зомин туманидаги “Маърифатли” масжидида 17 йил имом ноиби бўлиб ишлаган. 2019 йилдан бери Шароф Рашидов тумани бош имом-хатиби бўлиб ишлаб келмоқда.



Мутолаа

Нафс касалликларидан яна бири – охиратни унутиш ёки унга бепарво бўлишдир. Инсон нафсининг ёмонликларидан халос бўлмас экан, у ҳақиқий ва абадий ҳаёт – охиратни ўйлашдан узоқлашаверади. Банда дунёга бўлган муҳаббатни тарк этмагунча, абадий ҳаёт лаззатларини ҳис қила олмайди.

Эй Аллоҳга иймон келтирган мўмин банда! Қалбинг бу ҳаётда Аллоҳдан бошқа барча нарсанинг муҳаббатидан халос бўлмагунча Аллоҳ билан ором топа олмайди.

Яҳё ибн Муоз Розий раҳимахуллоҳ: “Ким ўзини унутган (нафсини ўлдирган) ҳолда Аллоҳга интилса, Аллоҳ таоло уни нафсининг ёмонликларидан сақлайди”, деб бежизга айтмаган.

Раббига яқин бўлишни истоган банда нафсини гуноҳлардан сақлаши лозим. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Жаннат инсонга ёқмайдиган амаллар, дўзах эса шахватлар билан

Охиратни унутиш



ўралган”, дедилар (Имом Доримий ва Имом Термизий ривояти).

Муолажа услуби

Инсон нафсининг бу касаллигидан қутулиш учун кўпроқ рўза тутиши ва кечалари бедор бўлиши ва нафси хоҳлаб турган амаллардан тийилиши лозим.

Яҳё ибн Муоз Розий раҳимахуллоҳ: “Очлик Аллоҳ таолонинг

марҳамати, у орқали банданинг жасади қувватланади”, деган.

Мўминлар амири Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анху одамларга: “Ҳисобга тортилишингиздан аввал нафсингизни ҳисоб-китоб қилинг ва қиёмат кунига тайёргарлик кўринг. Қиёмат кундаги ҳисоб фақат дунёда ўзини тергаб турган кишиларгагина енгил бўлади”, деб насиҳат қиларди.

Ҳазрат Умар розияллоҳу анху агар кеч кирса, икки оёғига қамчи билан уриб, ўзига: “Бугун Аллоҳ учун нима иш қилдинг?” дер эди.

Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анху мактубларидан бирида: “Токи омонликда экансиз, қиёмат кунига ўзингиздан ҳисоб талаб қилинг”, деб ёзгани ривоят қилинади.

Абу Абдураҳмон Сулаймининг “Нафсиётлари ва уларнинг муолажаси” китобидан Даврон НУРМУҲАММАД таржимаси

Масала

3-бетда

САВОЛ: Хўроз фариштини кўрса қичқиради, дейишади. Шу ростми?

ЖАВОБ: Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Агар хўрознинг қичқиригини эшитсангиз, Аллоҳ таолодан фазли ва марҳаматини сўранг. Чунки хўроз фариштини кўрган бўлади. Агар эшакнинг ҳанграшини эшитсангиз, Аллоҳ таолодан (“Ауъзу биллаҳи минаш шайтонир рожийм”, деб) шайтондан паноҳ сўранг. Чунки эшак, шайтонни кўрган бўлади”, дедилар (Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Термизий, Имом Насоий ривояти).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Кечаси итларнинг ҳуришини ва эшакларнинг ҳанграшини эшитсангиз, Аллоҳ таолодан шайтондан паноҳ сўранг. Чунки улар сиз кўрмаган нарсани кўради. Кечаси ҳамма ухлаган пайтда камроқ кўчага чиқинглар. Аллоҳ таоло тунда махлуқотларидан хоҳлаганича юборади”, деганлар (Имом Насоий ва Имом Ҳоким ривояти).

САВОЛ: Таҳоратни синдирувчи нарсалар ҳақида маълумот берсангиз.

ЖАВОБ: Олд ва ортдан чиқадиган ҳар қандай (одатий ва ноодатий) нарса, бадандан чиқиб атрофига тарқалган қон ва йиринг, оғиз тўлиб қусиш ёки милқдан қон чиқиб туфукни қизартириши, қон қайт қилиш, бирор нарсига суяниб ухлаш, хушдан кетиш, жиннилик ва мастлик ҳамда балоғатга етган кишининг намозда овоз чиқариб қилиши таҳоратни синдиради (“ал-Мухтор лил-фатво”).

САВОЛ: Маҳсига масҳ тортиш ҳақида маълумот берсангиз.

ЖАВОБ: Муғийра розияллоҳу анху айтади: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламининг маҳсилари устига масҳ тортишнинг қўлдан келгани” (Имом Аҳмад ва Имом Термизий ривояти).

Набий алайҳиссалом: “Маҳсига масҳ тортиш муддати мусофир учун уч кеча-кундуз, муқимга эса бир кеча-кундуздир”, деганлар (Имом Муслим ва Имом Аҳмад ривояти).

7-бетда

Раббим – Аллоҳ

Тун эди. Иброҳим алайҳиссалом осмондаги энг порлоқ юлдузга қараб: “Бу менинг Раббим!” деди.

Тонг отиб, юлдузлар сўнгач: “Йўқ! Бу менинг Раббим эмас!” деди.

Осмонда ой кўрингач, у яна: “Бу Раббим!” деди. Ой ғойиб бўлгач: “Йўқ! Бу Раббим эмас!” деди.

Қуёш чиқди. Иброҳим алайҳиссалом: “Мана шу Раббим. Бу каттароқ”, деди. Шом чўкиб, қуёш ҳам ботди ва у: “Йўқ! Бу менинг Раббим эмас!” деди ва ҳафсаласи пир бўлди...

“Албатта, Аллоҳ тирик ва ўлмайди. У ҳамиша барҳаёт ва чексиз-чегарасиз куч-қудрат соҳиби, Уни ҳеч ким енга олмайди”. Иброҳим алайҳиссалом ана шу ҳақиқатни англагачгина Рабби Аллоҳ эканини билди. Бу эса Аллоҳ таоло уни ҳидоят қилгани ва Ўзига дўст тутганидан далолат эди.

Парвардигор Иброҳим алайҳиссалом ва унинг қавмини бутга ибодат қилмасликка буюрди. Аллоҳнинг дўсти буни қавмига етказди ва уларни ширк амаллардан қайтарди. Бир куни Иброҳим алайҳиссалом қавмига: “Нимага ибодат қиляпсизлар?” деди. Улар: “Санамларга ибодат қилмоқдамиз”, дейишди. Набий алайҳиссалом: “Илтижо қилганингизда улар сизни эшитадиларми ёхуд наф ёки зарар етказа оладиларми?” деди. Улар:


“Йўқ, биз ота-боболаримизнинг худди шундай қилаётганларини кўрдик”, дедилар. Бунга жавобан: “Мен бу бутларга ибодат қилмайман, аксинча, мен уларга душманман. Оламларнинг Рабби – Аллоҳ таолога ибодат қиламан”, деди.

«У мени яратгандир, бас, У мени ҳидоят қилур. Унинг Ўзигина мени едирур ва ичирур. Касал бўлганимда, Унинг Ўзи менга шифо берур. У мени ўлдирур, сўнгга (қиёмат куни қайта) тирилтирур» (Шуаро сураси, 78 – 81-оятлар).

Албатта, бутлар яратмайди, ҳидоятга-да чорламайди. Улар бирор зотни таомлантира олмайди ҳам. Агар бирор киши бемор бўлиб қолса, бутлар шифо беролмайди. Улар бирор кишини ўлдиролмайди ва тирилтиролмайди.

Подшоҳ ҳузуридаги мунозара

Шаҳарда золим подшоҳ бор эди. Одамлар шу подшоҳга сажда қилишарди. Кунларнинг бирида подшоҳ эшитдики, Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳга сажда қиларкан ва Ундан бошқа ҳеч бир зотга бош эгмаскан. Подшоҳ унинг бу ишидан ғазабланиди ва уни ҳузурига чақиришни



буюрди. Кўп ўтмай у шоҳнинг қошига келди. Зеро, у зот Аллоҳдан бошқа ҳеч кимдан кўркмас эди.

Подшоҳ: “Раббинг ким?” деб сўради. Иброҳим алайҳиссалом: “Раббим – Аллоҳ!” деди. Шоҳ дарғазаб бўлди: “Эй Иброҳим! У Аллоҳ ким?” Набий алайҳиссалом: “У тирилтирувчи ва ўлдирувчидир”, дея мулойимлик билан жавоб берди. Подшоҳ унинг кўзларига тик боқиб: “Мен ҳам тирилтираман ва ўлдираман”, деди.

Шоҳ ёнидагиларга имо қилганди, бир кишини келтирди ва уни ўлдирди. Яна бир кишини келтирди, уни эса ўлдирмади. У мағрур ҳолда деди: “Мен

тирилтираман ва ўлдираман, бир кишини ўлдирдим ва бири-ни ўлдирмадим”.

Подшоҳ ва унинг атрофидаги мушриклар нодон эди. Иброҳим алайҳиссалом унга тушунтиришни хоҳлади. Сўнг подшоҳга: “Албатта, Аллоҳ қуёшни Машриқдан чиқаради, бас, сен уни Мағрибдан чиқаргин-чи!” деди. Шунда шоҳ ҳайратда қолди ва сукут сақлади. У шарманда бўлганди.

Отани яхшиликка чақириш

Иброҳим алайҳиссалом отасига: “Отажон! Нима учун эшитмайдиган, кўрмайдиган ва сизга бирор фойда бермайдиган нарсага ибодат қиласиз? Отажон! Шайтонга ибодат қилманг! Раҳмонга ибодат қилинг!” деди.

Қаттиқ ғазабланган отаси: “Мен сени ураман! Мени тинч қўй! Бирор нарса дема!” деди. Иброҳим алайҳиссалом ҳалимлик билан: “Омон бўлинг! Мен бу ердан кетаман ва Раббимга дуо қиламан”, деди-да, афсус билан чиқиб кетди. У бошқа шаҳар одамларини ёлғиз Аллоҳнинг ибодатига чақириш учун йўл олди.

Абул Ҳасан Али Ҳасан Надавийнинг “Пайғамбарлар қиссаси” китобидан
Анвар АҲМАД таржимаси

Дунё масжидлари

“Султон Ҳусайн” жоме масжиди Сингапурнинг энг қадимий ва энг муҳим меъморий обидаларидан ҳисобланади. У араблар даҳасидаги Маскат кўчасида жойлашган бўлиб, томи Шарқий Ҳиндистон меъморчилиқ анъанасига хос икки қаватли пирамида кўринишида қурилган.

Масжид Жохор ҳукмдори Султон Ҳусайн Шоҳ буйруғи билан сарой ёнида 1824–1826 йилларда қуриб битказилган. Уни 1879 йилгача султоннинг набираси Алоуддин шоҳ бошқарган ва кейинроқ жамиятнинг бешта маҳаллий раҳбарларига топширган. 1914 йилда ҳукумат томонидан ижара шартномаси 999 йилга узайтирилган. 1900 йилларнинг бошида Сингапур Ислом маданияти, санъати ва тижорати марказига айланган.

1924 йили масжиднинг 100 йиллиги муносабати билан васийлар янги масжид қуриш лойиҳасини тасдиқлашади. Чунки масжид буткул яроқсиз ҳолга келиб қолганди.

Шиша идиш йиғиб қурилган жоме

Меъмор Дэнис Сэнтри масжидни сарацин услубида қуриб, унга миноралар ва балюстрада-ларни (жингалак устунлардан ясалган панжаралар) кўшди. Масжиднинг 2 та гумбази ва 4 та минораси унинг Мавритания унсурлари акс этган арабча усулда иншо этилганини кўрсатади. Масжид томига миноралар билан бир хил кўринишдаги 40 та ингичка томли устунчалар ўрнатилган. Масжид қурилиши 1928 йилда тамомланган. Масжиднинг биринчи қавати 5000 намозхонни сиғдиради. Иккинчи қаватда аёллар ибодат



қилади. Хонақоҳнинг жанубий ва шимолий томонидаги 8 та аркнинг

ҳар бири 6 тадан устунга ўрнатилган. Биринчи масжид маҳаллий аҳоли маблағига қурилган. Аҳолининг аксар қисми қашшоқ бўлганидан қурилиш учун маблағни шиша идиш йиғиб, сотиб тўплашган. Ўша меҳнатларни хотирлаш учун улкан олтин гумбазнинг кўзга ташланган қисми шиша идиш бўйнига ўхшаш қурилган. Масжидга тўшалган ҳашаматли гилам Саудия Арабистони шаҳзодасининг ҳадясиدير.

“Султон Ҳусайн” масжиди Иккинчи жаҳон уруши пайтида ҳам талафот кўрмаган. 1960 ва 1993 йилларда фақат масжид хонақоҳи таъмирланган, холос. Бугунги кунда масжидга миллий меъморий обидида мақоми берилган.

Эргашбой ҲАМИДОВ тайёрлади.

Эргашбой Ҳамидов 1985 йили Сирдарё вилояти Бойвут туманида туғилган. 2021 йили Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институтини битирган. 2018 йилдан бери Бекобод шаҳридаги “Оқ масжид” жомеи ҳамда шаҳар бош имом-хатиби бўлиб ишлаб келмоқда.



Топиб олинган нарса кимники?

Таксида телефон йўқотиш ҳолатлари кўп учрайди. Хаёл билан телефонингизни ўриндиққа қўйиб, эсдан чиқарасиз ёки у чўнтакдан сирғалиб тушиб қолади. Аксариyat ҳолларда йўқолган телефонлар эгасига қайтмайди. Яъни, кўп ўтмай ўша рақам ўчирилган бўлади ва қайтиб ёқилмайди. Сабаби, такси ҳайдовчиси ёки уловга чиққан бошқа йўловчи телефонни ўзининг мулкига айлантириб олган бўлади.

Албатта, бу бировнинг ҳақиқа хийнат экани беш қўлдай аён. Ҳаромдан парҳез қилмаслик одамни шу қўйга солади. Улар айна шундай кўнгилсизлик ўзи ёки бирор яқинининг бошига тушиши мумкинлигини ҳаёлига ҳам келтиришмайди. Бу ташвишни танасидан ўтказган бўлса-да, шу аҳволга тушган ўзга бир кишига нисбатан ачиниш ҳисси пайдо бўлмайди. Нақадар фикрсизлик, нафсга қўллик, қалб қоралиги!.. Аслида ушбу вазиятдан ҳеч ким ҳимояланмаган. Суриштирсангиз, бошқа нарсасини қўйинг, бирор марта бўлса ҳам телефонини йўқотмаган одам кам топилади.

Хуллас, бугунги кунда бу ҳолат оғриқли масалага айланган.

Бу борада яна бир нозик жиҳат бор. Яқинда бир танишим

йўналишли таксида телефонини тушириб қолдирибди. Айтишича, ҳайдовчининг телефон рақамини топиб, қўнғироқлашса, у яхшигина миқдорда суюнчи пули талаб қилади. Айтганингиздан камроқ бераман, деса, қўнмабди. “Ўрнимда бошқа одам бўлганда фалон пуллик телефонингдан бутунлай айрилардинг. Бор-йўғи телефон нархининг ўн фоизини сўраяман-ку”, деб таъна қилибди.

Хўш, ҳайдовчининг тутган йўли тўғрими? Бир томондан қараганда, у ҳақдек туюлади. Лекин бу ўринда ҳайдовчини оқлаб бўлмайди, чунки у ўзганинг молидан тама қилмоқда. Аслида уловда мижозининг буюми қолиб кетган бўлса, уни қайтариб бериш ҳайдовчининг бурчи ҳисобланади. Афсус, кейинги пайтда бу борадаги шаръий кўрсатмаларга амал қилинмаяпти.

Хўш, шаръий томондан топиб олинган нарсага нисбатан қандай муносабатда бўлиш зарур?


Исҳоқ ибн Роҳавайх “Муснад” номли китобида Иёз ибн Ҳаммоддан ривоят қилади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ким йўқолган нарсани топиб олса, адолатли кишини гувоҳ қилсин. Кейин уни беркитмасдан бир йилгача**

эълон қилсин. Агар эгаси келса, келди. Бўлмаса, у Аллоҳнинг моли бўлади ва кимга хоҳласа, ўшанга беради”, дедилар». Гувоҳликка, “ким йўқолган нарсани сўраб юрган бўлса, менга айтиб юборинглар” дейиш кифоя қилади. Шу ҳолда топиб олган киши бировнинг нарсасини омонатга ушлаб турган кишининг ҳукмида бўлади ва унинг омонат эгасидан суюнчи талаб қилишга ҳаққи йўқ.

Йўқолган нарса ҳақида уни топиб олинган жойда ва одамлар жамланадиган ерда эълон қилинади-да, маълум муддатгача эгаси сўраб келиши кутилади. Бу муддат топиб олинган нарсанинг нималигига ва яроқлилиқ даврига қараб белгиланади. Ушбу муддат тугагач, у садақа қилиб юборилади. Агар кейинчалик эгаси келиб қолса, хоҳласа, садақани тасдиқлайди, хоҳласа, топиб олганга тўлатиб олади.

Демак, топиб олинган ҳар қандай нарса-буюмга бировнинг мулки деб қараш ва уни шариатга мувофиқ эгасига қайтариш лозим. У орқали бирор моддий манфаатни кўзлаш шариатга мутлақо зид.

Манзура ХИДИРОВА



Маҳмуд ЛАТИПОВ,
Самарқанд вилояти

Эсиз умр!

Бир қўшнимиз бўларди. У мол олди-сотдиси билан шуғулланарди. Шу қадар шум ва муғомбир эдики, бозорда кўринган чорвадорни алдаб молини арзон баҳога оларди ва яна кимнидир авраб қиммат нархга сотарди. У билан савдо қилган киши чув тушарди, барака топмасди. Кўп ўтмай одамлар ҳам унинг ўтакетган зикна эканини билиб қолишди. У бозорда кўриндимиз, чорвадорлар ҳам, савдогарлар ҳам юз буриб оладиган бўлишди. Унга

бўлган ишонч йўқолди. Шу билан қўшнимиз касодга учраб, ичкиликка берилди. Кейин қамалиб кетди, шўрлик...

Демак, киши ҳамиша оқилона фикр қилиши, саломатлигини, азиз жонини асрай билиши ва ҳар вақт ҳалол бўлиши лозим. Умр бир марта берилади. Уни бахт-саодатга тўлдириш инсоннинг ўз қўлидадир.

Маҳмуд ЛАТИПОВ,
Самарқанд вилояти

Ҳикоя

Митти болакайнинг катта юраги

Касалхонага автомобил ҳалока тига учраган қизалоқни олиб келишди. Унга қон қуйиш керак эди. Бахтга қарши, унинг қони камёб қон гуруҳига мансуб экан. Кўп ўтмай шифохонага қизалоқнинг ота-онаси ва эгизак акаси етиб келди. Хайрият, акасининг қони унга тушар экан.

— Бу ҳаёт-мамот масаласи, ўғлим. Синглингни кутқариш учун қон беришинг керак, — деб тушунтирди дўхтир.

Болакай бир лаҳза ўйланиб турди-да, ота-онасининг олдига чопиб кетди. Уларга нималардир деди, хайрлашди, чоғи. Сўнг шифокор хузурига йўл олди. Қон олиб бўлингач, дўхтир унга:

— Энди бироз ётиб, дам олишинг керак. Бўлмаса бошинг айланиши мумкин, — деди.

Бу гапдан бола негадир ҳайратга тушди. Мунчоқ кўзларини шифокорга тикиб:

— Қандай қилиб?! Мен ўлмайманми? — деб сўради.

У қон беришга рози бўлган пайти “Мен ўлсам, синглим тирик қолади” деб ишонган экан. Улкан юракли митти болакай чиндан ҳам синглиси учун жон беришга тайёр эди...

Ориф ТОЛИБ тайёрлади.

Масала

5-бетда

Тўлиқ таҳоратдан сўнг кийилган маҳсига муқим киши бир кеча-кундуз масҳ тортиши мумкин. Маҳсини кийгандан сўнг жунублик етса, маҳсининг муддати тугаса, кенг бўлгани учун ё оёқ кийимни ечишда товон маҳсидан чиқиб кетса ёки маҳси пойларидан бирида уч бармоқ сиғадиган миқдорда тешик бўлса, маҳсини ечиб, оёқларни ювиш лозим.

САВОЛ: Дорихонада айрим мижозлар: “Мана бу дори яхши тузатадими?” ёки “Яхши тузатадиган доридан беринг”, дейишади. Бу гаплар ширк бўлиб қолмайдими?

ЖАВОБ: Бу гаплар билан ўша дорининг касалликни тузатишда восита экани назарда тутилса, ширк ҳисобланмайди. Беморга Аллоҳдан бошқа ҳеч ким, ҳеч нарса шифо бермайди.

САВОЛ: Витр намозида “Кунут” дуосининг ўрнига “Ихлос” сурасини ўқиса бўладими?

ЖАВОБ: Мазҳабимизда витр намози вожиб ҳисобланади. Витрда кунут дуосини ўқиш ҳам вожибдир.

Кунут дуоси: **“Аллоҳумма иннаа настаъийнука ва настағфирука ва нуъмину бика ва натаваккалу аълайка ва нусний аълайкал хойро куллаҳ, нашкурука ва лаа накфурука ва нахлауъ ва натруку май яфжурук. Аллоҳумма ийяака наъбуду ва лака нусоллий ва насжуду ва илайка насъаа ва нахфиду наржуу роҳматака ва нахшаа азабака, инна азабака бил куффари мулҳиқ”**.

Кунут дуосининг ўрнига Ихлос сурасини ўқиши мумкин эмас. Чунки Ихлос сураси дуо эмас.

Аллома Ибн Обидийн раҳимахуллоҳ айтади: «Кунут дуосини яхши ўқий олмайдиган киши “Роббана атина фид дуня ҳасанатан...” дуосини ўқийди». Фақиҳ Абу Лайс Самарқандий: «Уч марта “Аллоҳуммағфирлий”, деб айтади», деган. Баъзилар: «“Я Рабб!” деб уч марта айтади», дейишган (“Раддул мухтор”).

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази.
Тел. 78-150-33-44



Имом Шаъбий ҳадис ва фикҳда пешқадам олим бўлган. Унинг асл исми Омир ибн Шурахбил Куфийдир. Халифа Умар ибн Абдулазиз уни қозиликка тайинлаган. “Сияру аъламин ну-бало” асарида у кучли ҳофиз, яхши инсон бўлгани айтилади.

Ибн Сирин айтади: “Куфага келганимда Шаъбийнинг катта дарс ҳалқаси борлигини кўрдим. Ҳолбуки, ўша пайтда жуда кўп саҳобалар бор эди у ерда!”

Албатта, ундан кўплаб кишилар таҳсил олган. Шогирдларининг энг машҳури Имом Абу Ҳанифа раҳимахуллоҳдир.

Ибратли ҳикоя

Имом Шаъбийнинг ҳазиллари

Имом Шаъбий катта олим бўлиши билан бирга қувноқ ва ҳазилкаш ҳам бўлган. Бир куни ундан сўрашди:

– Масжиддаги тошчаларни ташқарига ташласа бўладими?
– Бўлади!
– Тошчалар ташқарига ташлан-са, “Мени ичкарига олинглар”, деб бақиради, деб эшитдим!
– Унда то ҳалқуми тешилгунча ташқарида қолдир уни!
– Тошда ҳалқум бўладими?
– Унда қаеридан бақиради?!

Имом Шаъбийдан яна бир киши келиб сўради:

– Мен бир аёлга уйландим. Билсам, оқсоқ экан. Энди унинг жавобини берсам бўладими?
– Нима, у билан югуриш мусобақаси уюштирмоқчимисан?!

Бир одам Имом Шаъбийга деди:

– Иблис хотинининг исми нима бўлган?
– Бу тўйда қатнашмаганман!

Шаъбий хотини билан ўтирган

эди. Кўчада кетаётган бир одам сўраб қолди:

– Қайси бирингиз Шаъбий? Шаъбий хотинини кўрсатиб:
– Мана бу!
Шаъбийдан соқолга масҳ тортиш ҳақида сўради. Олим унга ўргатди. Сўнг ҳалиги киши:
– Орасига сув кирмайдими, деб кўрқаман!
– Унда кечқурун соқолингизни сувга ивитиб қўйинг!

Абдулқодир ПОЛВОНОВ,
“Ургут” жоме масжиди ходими

Йигирма йилда ҳам иш бермаган ҳийла

Жунайд Бағдодий раҳимахуллоҳнинг ҳузурига соч-соқоли оқариб, мункиллаб қолган бир қария келиб деди:

– Эй Жунайд, мени муридликка қабул эт, сенга шогирд бўлиш орзусидаман.

Жунайд Бағдодий деди:

– Агар истагинг рост бўлса, шогирдликка бир шарт билан қабул қиламан.

– Қандай шарт?

– Мен нима десам, эътироз билдирмай, бажаришга сўз бер.

– Розиман.

Орадан йигирма йил ўтди. Бир куни Жунайд раҳимахуллоҳ қарияга:

– Эй оқсоқол, чироққа мой солиб созла, оқшомда бир дўстимнинг зиёратига борамиз, – деди.

Шундай қилиб, устоз ва шогирд йўлга чиқишди. Тун зимистон, ер балчиқ-лой. Олдинда Жунайд, орқада чироқни кўтариб қария борар эди. Бир пайт уларнинг қаршисидан бир одам чиқиб:

– Эй Жунайд, шу лой-балчиқли йўлда ўзи аранг юриб келаётган қарияга чироқ кўтартириб қўйиш

сендек олим одамга ярашадими? – деди.

– Шайтон азиятда бўлмоғи керак, – деди Жунайд.

Балчиқ йўлда зўрға юриб келаётган қария қўлидаги чироқни жаҳл билан ерга улоқтирди:

– Эй Жунайд! Менинг шайтон эканимни билармидинг?!

– Ҳузуримга келган кунингда ёқ билганман.

Шайтон Жунайднинг қалбида кибр уйғотиш учун бу фурсатни йигирма йил кутган эди:

– Эй Жунайд! Сени бир марта

бўлса ҳам васвасага солиш учун эшигингда йигирма йил куллик қилдим. Аммо уддасидан чиқолмадим. Ҳақиқатан буюк инсон экансан! – деди устамонлик билан.

– Ҳозироқ даф бўл, малъун! Қалбимда кибрни уйғотиб, йигирма йил давомида кутиб юрган ишингни ҳозир қилмоқчимисан?! – дея Жунайд шайтоннинг ёмонлигидан Аллоҳга сиғинди.

Бинафша ЖЎРАҚУЛОВА
тайёрлади.

Газетхон илҳами

Кибр

Ҳожилик даъвосин қилган эй банда,
Кибр қанотида чалма чирманда.
Ақлингни олмасин ўткинчи дунё,
Боқий дунёсида бўлма шарманда.

Ҳажга бордим дея юрма керилиб,
Шайтоннинг йўлига қолма бурилиб.
Яратган олдида ожиздир банда,
Боқий дунёсида бўлма шарманда.

Бандага берилган икки томон йўл,
Бир томони бўстону бир томони чўл.
Бир бора берилган танлашга имкон,
Боқий дунёсида бўлма шарманда.

Ҳожилик унвонмас, бу ҳам ибодат,
Аллоҳдан мағфират сўрамоқ фақат.
Хокисор бўлгину, айлагин тоқат,
Боқий дунёсида бўлма шарманда.

Шухрат ТОИРОВ,
Сергели тумани

Қабрингга чироқ ўрнат

Қабрингни ёрит-яшнат!
Қандай қилиб дейсанми?
Иймонни қил саломат,
Шу иш қийин дейсанми?

Қабрингни ёрит-яшнат!
Қандай қилиб дейсанми?
Беш вақт намоз қил одат,
Шу иш қийин дейсанми?

Қабрингни ёрит-яшнат!
Қандай қилиб дейсанми?
Рамазонда рўза тут,
Шу иш қийин дейсанми?

Қабрингни ёрит-яшнат!
Қандай қилиб дейсанми?
Молингдан бергин закот!
Шу иш қийин дейсанми?

Қабрингни ёрит-яшнат!
Қандай қилиб дейсанми?
Ҳаж қил келганда фурсат,
Шу иш қийин дейсанми?

Ажал қувиб келмоқда

Ажал қувиб келмоқда,
Хабаринг йўқ, эй инсон.
Ақлингни ишлатгин-да,
Агар бўлмасанг нодон.

Ёшлигингни ўтказдинг
Кайф-сафо, маишатда.
Ҳолинг нима кечар, айт,
Ажал етган фурсатда?

Мана, кексайиб қолдинг,
Мол-давлатинг қўлингда.
Фойдаси йўқ, минг афсус,
Ажал пойлар йўлингда!

Тоат қил, ғофил Исмат,
Ҳар бир онинг ғанимат!
Афсус қилма оқибат,
Ажал қувиб келмоқда!

Исмат ИСМОИЛОВ,
Қорақўл тумани “Қабул ота”
жоме масжиди имом ноиб

Эълон

“Vaqr” хайрия жамоат фонди муассислигида ташкил этилган “Vaqr Med” МСН (манзили: Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Миришкор кўчаси, 111-уй, х/р 20208000905091633001, “Ипотекабанк”, Юнусобод филиали, МФО 00837, СТИР 306457035) ихтиёрий тугатилиши маълум қилинади. Жамиятнинг тугатилаётгани, уни тугатиш билан боғлиқ барча мувожадатлар – 100071, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Сузук ота кўчаси, 50-уй (телефон: 998 95 195-16-10; 998 71 203-70-03) да

ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамда «Shamsuddin Boboxonov» НМИУ жамоалари Наманган вилояти бош имом-хатиби Мусохон домла Аббоситдиновга падари бузруквори Анасхон ҳожи отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Muassis:

Ўзбекистон мусулмонлари
идораси “Shamsuddin Boboxonov” NMIU

Bosh direktor: Sultonbek
IMOMNAZAROV

Шамсуддин Нури

Bosh muharrir:
Abdul Jalil XO'JAM

Tahrir hay'ati:

Shayx Nuriddin XOLIQNAZAR
Sodiq TOSHBOYEV
Homidjon ISHMATBEKOV
Jaloliddin HAMROQULOV
Obidjon QODIROV
Uyg'un G'OFUROV
Muhammadsharif JUMAN
Xolmat ATABAYEV
Komiljon BURXONOV

Tolibjon NIZOMOV
Hikmatulloh TOSHEMIROV
Muzaffar KAMOLOV
Azizbek XOLNAZAROV
Jamoatchilik kengashi
Alisher ESHIMOV
Islomiddin ZUHRIDDINOV
Rustam JAMILOV

Toshkent – 100069, Zarqaynar
18-berkko'cha, 47-a uy.
(71) 227-34-30 (71) 240-05-19.
m-nashr@mail.ru
www.hidoyatuz

Nashr ko'rsatkichi: 195
ISSN 2091-5225
2020-yil 3-sentabrda
0017-raqam bilan
ro'yxatga olingan.
Gazeta oyda ikki marta chop etiladi.
Bahosi kelishilgan narxda.

Navbatchi muharrir:
To'liq SHERNAYEV
Musahhiha:
Zabo OMONOVA
Sahifalovchi:
Komiljon MAHMUDOV
Ekspertizaga berildi:
21.11.2023
Xulosa (№03-07/8944) olindi:
28.11.2023
“SHAMSUDDINXON BOBOXONOV” NMIU
bosmaxonasida chop etildi.

Adadi: 13.650
227/22-buyurtma.
Bosmaxona manzili:
Toshkent shahri, Zarqaynar
18-berkko'cha, 47-a uy.



Газетада оятлар, ҳадислар бор.
Ноҳиоз жойларга қўйманг!

The newspaper contains ayahs and
hadiths. Please, do not put it
in inappropriate places!

في الجريدة آيات وأحاديث.
لا تضعوها في مكان غير مناسب!

Газета содержит аяты и хадисы. Не
оставляйте в неподходящих местах!